

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



Инсон қадри



Байрам Лашкаракдан бошланди

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев таъаббуси билан сектор раҳбарлари, вилоят фаоллари, кўплаб мутасаддилар Ангрен шаҳридан 28 километр узоқликдаги олис тоғли ҳудуд – Лашкарак қишлоғида бўлишди.

Қурама тоғининг шимолий ён бағриларида ўнлаб қадимий қишлоқлар бор. Улар нафақат сўлим табиати, балки кўҳна тарихи билан ҳам кўпчиликнинг қизиқиши ва ҳайратини ошириб келади. Лашкарак ана шундай қишлоқ.

Бу ерда "Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!" шiori остида таъкил этилган маданий-маърифий тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоятда сўнгги йилларда ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳамда бунёдкорликлар ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

– 43 йилдан буён шу қишлоқда яшаган бўлсам ҳали бирор маротаба вилоят раҳбарлари келганини эсполмайман, – деди "Ўзал" маҳалласи раиси Комила Ақидова. – Бу йилги байрам ўзгача бошланди. Айниқса, таъмирланган йўллар, ичимлик суви муаммоси ҳал этилгани байрамга муносиб тўхфа бўлди.

Тадбир меҳмонлари ва қишлоқ аҳолиси тўкин дастурхон атрофида жам бўлишди. Санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Қўтаринки руҳда ўтган тадбир аҳолига байрамона кайфият улашди.

(Давоми 2-саҳифада) ►



НУРАФШОН шаҳридаги "Чигирик" маҳалласида Мустақиллик байрами арафасида 150 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлганлар ҳамда ёлғиз кексалар учун байрам дастурхони ёзилди.



ТОШКЕНТ туманида нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ва ёшларнинг "Уч авлод учрашуви" бўлиб ўтди. Учрашувда нуронийлар ёшларга босиб ўтган ҳаёт йўллари ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.



“ЗАНЖИР” МУКАММАЛ ИШЛАСА, НАТИЖА КУТТИРИБ ҚЎЙМАЙДИ

Маҳаллийлаштириш деганда, саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт қилинадиган деталлар, бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ҳамда материаллар асосида тайёрлашга ўтказиш жараёни тушунилади. Бунда, биринчи навбатда, ички бозорни ўрганиш, импортни таҳлил қилиш ва хом ашё базасини аниқлаш зарур. Кейинги босқичда маҳаллийлаштириш лойиҳаси шакллантирилиб, амалга оширилади.

Маҳаллийлаштириш



Маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг мақсади импортни қисқартириш ҳисобига валюта маблағларини тежаш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат. Шу боис, ташқи бозорлардаги ўзгарувчанлик шароитида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун ички имкониятларни ишга солиш, импорт қилинаётган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноатни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.



Президентимизнинг 2021 йил июль ойида Олмалик кон-металлургия комбинатида таърифи чоғида янги барпо этилаётган ишлаб чиқариш объектларига зарур бўладиган эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш асосида шунинг ўзида ишлаб чиқариш ва-зифаси қўйилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2021 йилда 87 та лойиҳа бўйича 217,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки режа 134,5 фоизга бажарилди. Натижада импорт ўрнини босиш самарадорлиги 20,1 миллион долларга тенг бўлди. 2022 йилда эса 334,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 153,8 фоизга, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 29,7 миллион долларга етди.

2

“Энг улуг, энг азиз” танлови:

МУНОСИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Нурафшон шаҳридаги “Тонг” маданият марказида “Энг улуг, энг азиз” анъанавий республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ва-зифасини бажарувчи Холмурод Салимов, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси республика бошқаруви раиси Ифандиёр Латипов, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир, Журналистлар уюшмаси вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Абдусамат Носиров, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги Зарифа Эралиева, таҳририятлар бош муҳаррирлари, фахрий журналистлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



4



Ҳарбийларга янги хонадонлар

Давлатимизнинг муҳофа кудратини ҳар томонлама оширишга, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган.

Ватанимиз Мустақиллигининг 32 йиллик байрами арафасида Пискент туманида жойлашган чегара қисм ҳарбий хизматчилари учун янги бино фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, ДХХ

спорт ва тренажёр заллари, ётоқхона ва ошхона мавжуд.

Шу кун ҳарбий хизматчилар учун барча шароитларга эга 18 та оилавий хизмат хонадонлари ҳам фойдаланишга топширилди.

Тадбирда туман маданият ходимлари томонидан намоиш этилган концерт дастури йиғилганларга хушхафизат улашди.

Пискент тумани
ҳокимлиги
Ахборот хизмати

чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирлари, ҳарбий хизматчилар, аскарлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

17 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган янги бинода чегарачиларнинг ўқув ва жисмоний машғулотлари учун хоналар, маънавият хонаси, кутубхона,

“ЗАНЖИР” МУКАММАЛ ИШЛАСА, НАТИЖА КУТТИРИБ ҚҲЙМАЙДИ

Комбинатнинг ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига қўра, таркибий бўлинмалар томонидан 2 минг 500 дан ортиқ маҳсулот импорт қилиниши аниқланди. Ушбу эҳтиёжманд товарлар рўйхати 2022 йил 11-12 октябрь кунлари Олмалик кон-металлургия комбинатида ташкил этилган тармоқлараро саноат ярмаркасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилди. Тадбирда 300 дан зиёд ишлаб чиқарувчилар, улардан 62 таси ўзлари ўзлаштирган 1000 дан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ярмарка давомида “юзма-юз” форматда учрашувлар ташкил этилиб, ОКМК техник талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ўзлаштириш масалалари муҳокама қилинди. 2026 йилгача маҳаллийлаштириш дастури доирасида инновацион лойиҳалар, илмий соҳадаги ихтиролар, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш бўйича тақдимотлар ўтказилди. Натижада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан 326 турдаги маҳсулотни босқичма-босқич ўзлаштириш юзасидан 961,7 миллиард сўмлик меморандум ва келишувлар имзоланди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш доирасида ҳамда импорт ҳажмини қисқартириш мақсадида жами 1,1 триллион сўмлик маҳсулотларни харид этиш бўйича шартномалар тузилди, унинг 727,3 миллиард сўмлик қисми кооперация портали орқали тузилган битимлар ҳисобланади.

Шу каби ишларнинг самара-
(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



2023 йилда дастурдаги 137 та лойиҳа асосида 324,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, апрель-июль ойларида дастурга 3,7 миллиард сўмлик 6 та янги лойиҳа киритилди. Натижада лойиҳалар сони 143 тани, прогноз кўрсаткичи 325,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу даврда 139 та лойиҳа бўйича 202,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 116,8 фоизга бажарилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 125 фоизни ташкил этди.



си туфайли 2022 йилда комбинат бўйича импорт 120 миллион доллардан зиёдрокқа қисқартирилди. Жумладан, тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш ҳисобига 27,5 миллион доллардан ортиқ импортга бўлган эҳтиёж қондирилди.

Янги маҳсулотлар орасида палладий метали, насос, флотамашини

на ва шахта электровозлари учун эҳтиёт қисмлар, молибден ва вольфрам тузи, юкори ҳароратга чидамли керамик маҳсулотлар, вольфрам карбиди, шамот ғишлари, сферали шарли таянчлар, ферромолибден алоҳида ўрин тутди. Уларнинг ҳисобига импорт 17,6 миллион долларга мақбуллаштирилди.

Авваллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосан икки йўналишда амалга ошириб келинардди: мавжуд ва янги қувватларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

ҳамда ички кооперация алоқаларини кенгайтириш. Бугунги кунда мазкур йўналишлар янада кенгайтирилиб, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ва шатакка олиш тизими асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Масалан, Германиянинг “Falk Porsche Technik GmbH” компанияси билан биргаликда Чирчиқ

шаҳридаги “Deutsche innovationen Technologie AGMK” қўшма корхонасида кимёвий чидамкор геокөмпозит маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 60 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда ушбу корхона томонидан рух заводини модернизация қилиш учун 60 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ҳозирда 50 минг тонна мисни қайта ишлашга мўлжалланган, қиймати 20 миллион доллар ва 200 та янги иш ўрни яратиладиган “Мисдан катанка ва янги турдаги кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш” қувватлари барпо этиляпти. Унинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 450 миллион долларни ташкил этади.

Янги қуриляётган Мис эритиш заводи таркибида “Мис катодлари электролизлари учун полимербетон ванналар ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга ошириляпти. Бунда 1 минг 500 донa электролиз ванналари тайёрланиб, металлургия мажмуасини қўришда ишлатилади. Бунинг эвазига лойиҳа қиймати 10 миллион долларгача қисқаради.

“Янги турдаги саноат электр двигателларини ишлаб чиқариш” лойиҳасига ҳам германиялик ҳамкорлар қизиқиш билдирди. Лойиҳа ишга тушгач, импорт қилинаётган электр двигателларга эҳтиёж қолмайди. Қиймати 10 миллион доллар бўлган “Кимёвий чидамкор шиша толали маҳсулотлар” лойиҳасини амалга ошириш орқали чет элдан харид қилинаётган қувур, резервуар баклар ва бошқа маҳсулотлар маҳаллийлаштирилса, “Avantec GP” қўшма корхонасида горизонталтокарлик фрезерли ишлов бериш рақамли дастгоҳлари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, Хитойнинг 12 та йирик компанияси билан ҳамкорликда йилга 50 минг электромобиль ишлаб чиқариш, мис кабеллари ва фольгаси, электромобилларни зарядлаш ускуналари каби қўшимча қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, юк автомобиллари ва махсус техникалар учун эҳтиёт қисмлар ясаш, авто-

матлаштириш ва рақамлаштириш каби лойиҳалар устида иш олиб бориляпти.

“Олмалик қуюв механика заводи” корхонасида қиймати 20 миллион доллар бўлган “Тоғ-кон саноати учун қуйма маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни ўзлаштириш” лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари якунланди ва 200 та янги иш ўрни яратилди. Яна бир эътиборли жиҳати, комбинатда қиймати 500 миллион доллар, қуввати 55 минг тонна қуйма маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги машинасозлик заводи қурилади. “Мис кластерини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 78 миллион долларлик мисдан лента ва листлар, фольга, катанка, бурчакли симлар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Бугунги кунда “шатакка олиш” тизими асосида 10 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар комбинатга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. “Нурафшон махсус техникалар” корхонаси билан ҳамкорликда 220 тоннагача юк кўтарадиган автосамосваллар ишлаб чиқариш, “Ўзбекистон темир йўллари” жамиятининг “Қуюв механика заводи” корхонасида темир йўл транспорти учун 100 га яқин турдаги қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ўзлаштирилмоқда. “Карбон полимер” корхонаси томонидан полимер, фторопласт ва графитдан турли эҳтиёт қисмлар тайёрлаш устида иш кетаётган бўлса, “Zhongtiang Chemical” қўшма корхонасида комбинат учун зарур бўлган кимёвий реагентлар тайёрланмоқда.

Қўрииб турибдики, ички талабни ўрганиш – импортни таҳлил қилиш – ресурс базасини аниқлаш – янги лойиҳалар ишлаб чиқиш “занжири” асосида лойиҳалар йўлга қўйилса, натижалар, албатта, ижобий бўлади.

Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
(“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йил 25 августдаги сонидан олинди)



Байрам Лашкарақдан бошланди

ҲОКИМ МАҲАЛЛИЙ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Тадбир доирасида Зойир Мирзаев маҳаллий ёшлар билан ҳам учрашди. Анорбой Ҳадиров хонадонидан ташкил этилган мулоқотда ёшларнинг аксарияти саломатлигида муаммо борлигини айтиб, ёрдам сўради. Вилоят ҳокими уларнинг дардига қўлоқ тутиб, саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ҳар бири чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини таъкидлади. Шунингдек, уларнинг 3 нафарини амбулатор шароитда, 2 нафарини республика тиббиёт бирлашмасида стационар даволаниш учун юбориш ҳақида мутасаддиларга топшириқ берди.

Мулоқот сўнгидан ёшларга совғалар тарқатилди.

“ДАФТАР”ЛАРДАН ЧИҚИШ ВАҚТИ КЕЛДИ...

Навбатдаги учрашув Турсуноий Мақсудованинг хонадонидан бўлди. Вилоят ҳокими маҳалладаги “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган кишлоқ хотин-қизлари билан суҳбатлашди. Мулоқотда уй бекаси Моҳичехра Эркинова ҳокимдан тикув машинаси сўради.

– Кредитга тикув машинаси берилса, ўз даромадимга эга бўлардим ва “Темир дафтар”дан ҳам чиқардим, – деди уй бекаси.

Моҳичехранинг мурожаатини жойида ҳал этаркан, вилоят раҳбари аёлларга қарата: “Дафтар”лардан чиқиш вақти келди, ҳозир бировнинг қўлига қараб яшаш нотўғри, барча ўзи учун ҳаракат қилиши керак”, дея таъкидлади.

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ...

Шу куни вилоят ҳокими Зойир Мирзаев фуқаролар муаммоларини ўрганиб, ечим топиш мақсадида аҳоли билан юзма-юз учрашиб, сайёр қабул ўтказди. Қабулда фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолардан ташқари, кўпчилик манфаатига хизмат қиладиган – йўлларни таъмирлаш, электр энергияси ва ичимлик суви таъминоти бўйича мурожаатлар қилишди.

Жумладан, Фахриддин Мирзакаримов ўзи яшаб келаётган кишлоғига электр токи ўтказиш учун 33 донa бетон устун ўрнатиш кераклигини айтиб, ёрдам сўради. Вилоят ҳокими бетон устунлар 1 ноябргача етказиб берилишини айтди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Ер сотишда янги тизим

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Тошкент вилоятидаги хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активлари, жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулк объектлари ва сотилиши белгиланган ер участкалари тўғрисида навбатдаги “Roadshow” тақдимоти ўтказилди.

■ Тақдимот

Нурафшон шаҳридаги Ёшлар маркази биносидан бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари Алишер Миралиев, вилоят Кадастр агентлиги бошлиғи Рустам Пайзиев, шунингдек, вилоятдаги йирик корхоналар вакиллари ҳамда 100 га яқин тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда қатнашчиларга “E-auction” электрон савдо платформасидан фойдаланиш

бўйича маҳорат дарслари ўтказилиб, савдо платформасида шахсий кабинет очиш, онлайн электрон имзо олиш ва савдоларда қатнашиш учун аризалар бериш тартиблари ҳам назарий, ҳам амалий тушунтирилди.

Иштирокчиларга агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ жами 104 та давлат активлари аукцион савдоларига чиқарилган

ни, шундан 28 таси 94,8 млрд. сўм қийматга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганлиги маълум қилинди. Бундан ташқари, 2023 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар ва фуқаролар учун 6 815 та – 424,5 гектар ер участкалари электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан 1597 та – 203 гектари 49,1 млрд. сўмга сотилишига эришилган.

Бундан ташқари, аввалдан доимий фойдаланиш ёки умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган кишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириб олган фуқароларга мулк ҳуқуқини тас-



дикловчи давлат ордерлари топширилди ҳамда мазкур жарён тартиби қатнашчиларга тушунтирилди.

Кўннинг иккинчи ярмида ОАВ вакиллари учун пресстур ташкил этилиб, давлат активларини сотиб олган тадбиркорлар томонидан ушбу

объектлар негизда бажарилган ишлар, шунингдек, сотувга чиқарилган давлат активлари жойига қичиб ўрганилди.

Тақдимотда қатнашчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб берилди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

■ Долзарб мавзу

Мақсадимиз – аҳоли бандлигини таъминлаш

Юртимизда ишсизларга молиявий кўмаклашиш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичи орқали камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бугун вилөятимизда 116,7 минг нафар ишсиз бўлиб, шундан чет давлатларга ишлашга кетганлар 142 минг нафарни ташкил этади. Шунингдек, 10,9 минг нафар олий таълим, 16,5 минг касб-ҳунар таълими ва 28,6 минг нафар мактаб битирувчилари мавжуд. Ҳуш, уларни иш билан таъминлаш учун қандай чоралар қўрилмоқда? Бу борада ҳар бир ҳудуд масъуллари зиммасига аниқ вазифалар юклатилляптими?

– Вилөятимизда жорий йилда 192 минг нафар аҳолини доимий ва мавсумий ишларга жалб қилиш назарда тутилган, – дейди вилөят Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Зиядбек Йўлдошов. – Шу кунга қадар улардан 248,4 мингтасининг бандлиги таъминланди. Хусусан, қурилиш-транспорт, коммунал ва уй-жой қурилиши соҳасида 6,3 мингта иш ўрни яратилган бўлса, инвестиция, ташқи савдо ва маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳисобига 7,7 мингтага етди. Шунингдек, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи 122,3 минг нафар фуқаро кишлоқ ҳўжалигига жалб этилди. Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида корхона ва ташкилотлар салкам 4 мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркаларда етти мингдан зиёд фуқа-

ро иштирок этиб, уларнинг икки ярим мингдан ортиғи ишга жойлаштирилди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳат берилиб, касбга йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўнгулларда яратилган 142 мингдан зиёд иш ўринлари улар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг сайё-ҳаракатлари натижасида аҳолининг 5 минг 479 нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка йўналтирилди, 43 минг 729 нафари турли хунармандчилик тармоқларида ўзини-ўзи банд қилди. Ўтган давр мобайнида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида “Онлайн маҳалла” платформаси орқали қиймати 1 миллиард 223 миллион сўм бўлган 41 минг 390 та лойиҳа учун аризалар келиб тушган. Ҳоким ёрдамчилари томонидан 21 минг 985 та лойиҳага ижобий тавсияномалар берилди.

– Тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича 2022 йилнинг январь ҳамда 2023 йилнинг март ойлари давомида

туманимизнинг “Қорасув” маҳалласида самарали ишлар қилинди, – дейди бошқарманинг Ўрта Чирчиқ тумани бўлими бошлиғи Маҳмудхўжа Пулатов. – Ўрганишлар давомида маҳалладаги ўз ишини бошлашга қизиқиши бор, даромад топиш, касб ўрганишга ҳаракат қилаётган жами 67 та оилага имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига 162 нафар банд бўлмаган фуқаро ўз фаолиятини бошлади, 128 нафар ёш доимий иш ўринларига жойлаштирилди. Бундан ташқари, маҳалладаги бўш ва самарасиз фойдаланиб келинаётган 3 та бинода аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ишга туширилиб, 16 нафар ёш ишли бўлди. Мисол учун, “Fresh food park” МЧЖ корхонаси томонидан ширин маккажўхори етиштириш ва қайта ишлаш кооперацияси ташкил этилиб, унга 200 дан ортиқ хонадон жалб этилди.

Аслида туманни мебелчилар ҳуду-

ди деса ҳам бўлади. Сабаби, туманининг 4 та маҳалласидаги 104 та хонадонда мебель ишлаб чиқарилади ва бу иш билан 835 киши банд. Аммо бу хонадонларда жой торлиги ва нуқулай шароит сабабли қўшимча иш ўринлари яратиш имкони бўлмаяпти. Шунинг учун мазкур маҳаллаларга туташ ҳудуддаги “Qorasuv mebel savdo” корхонаси томонидан 1,5 гектар майдонда 50 та цехдан иборат “Микро-марказ” ташкил этиш режалаштирилган.

– Мақсадимиз – ҳудудимиздаги камхарж оилаларнинг 160 аъзосини ўқитиб, бандлигини таъминлаш, – дейди корхона раҳбари Раҳмон Атақулов. – Янги лойиҳани амалга ошириш учун жами 35 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Банкдан кредит сўраганимиз. Айни вақтда ўз маблагимиз ҳисобидан қурилишни бошлаб юбордик.

Давлат тадбиркорга, тадбиркор эса фуқароларга кўмаклашади Бу борада шу йилдан старт олган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури юртимизда бошланган ҳайр-ла ва кенг миқёсдаги ислохотлардан бири. Лойиҳада иштирок этишни истоган тадбиркорни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, зарур ёрдамни кўрсатади, тадбиркор эса ҳудуддаги ишсиз аҳолини ўз йўналиши бўйича ўқитиб, бандлигини таъминлайди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Четдан назар ташлаганда, журналист бўлиш жуда осондек туюлади. Аммо бу машаққатли касблардан бири эканини ҳамма ҳам билавермайди. Бошидан ўтказганлар: "Журналистнинг нони қаттиқ", дейишади. Сабаби, бошқалар 8 соат ишлаши мумкин, лекин журналист учун бу чегара эмас. Ҳақиқий журналистнинг ўй-хаёли 24 соат ижод билан банд бўлади: кўрсанларини мушоҳада қилади, ўқиганларини таҳлил элагидан ўтказишади, таассуротларини "бир қўлига" солади ва шундан кейингина қўлига қалам олади. Ҳамма ухлайётганда мухбирнинг ижодхонасида чироқ ёниб, қалами "қиртиллайётган" бўлади...



ЁТМИШИНЧИ август

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист ва шоир Каримқул Мавлонов ҳақида ўйлаганимда хаёлимдан ана шундай фикрлар ўтади. Бекободлик ижодкор ўзининг 70 йиллик умри давомида анчайин машаққатли довонларни босиб ўтди. Ҳамон ижоддан тўхтамаётган Карим Мавлон кўплаб ёшларга устозлик қилди.

Дарҳақиқат, кўп йиллар туман газетасига муҳаррирлик қилган Каримқул ака ўткир, долзарб мавзулардаги чиқишлари, бадий ижоддаги машқлари билан газетхон-

лар ва ижод аҳли ўртасида яхши танилди. Муаллифнинг "Тонглар оппоқ, туйғулар оппоқ", "Қишлоғим кишилари", "Олтин бешигим", "Умрим дафтари" номли шеърый тўпламлари ва "Ўювли" ҳамда "Мустақиллик тенгдоши" деб номланган тарихий-публицистик асарлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда "Бекобод овози" газетаси тахририятида мусахҳиқликдан бошлаган К. Мавлонов ўзининг меҳнатсеварлиги, ишига масъулият билан ёндошиши ортидан жамоа ўртаси-

да ҳурмат қозонди. Тез орада газета саҳифаларида катта-кичик, долзарб мавзулардаги мақолалари чоп этила бошлади. Дадил фикрлаши, таҳлилий мақолалари билан қисқа фурсатда эътиборга тушди. У оддий мусахҳиқликдан мухбир, бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Каримқул Мавлонов 1986-1988 йилларда катта ташкилотчилик ишларини амалга ошириб, туман газетаси ададини 7 минг 800 нусхага етказди. Газетхонлар билан

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

ишлашдаги ташаббуси учун тахририят Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг мукофотига сазовор бўлди.

1988 йилда К. Мавлонов Тошкент сийёсатшунослик институтига ўқишга юборилди. Институтни муваффақиятли тугатгач, бир неча йил ҳокимлик ва ўзини ўзи бошқариш идораларида ишлади. 2006 йилда яна сеvimли газетасига муҳаррир бўлиб қайтди. Аммо бу пайтга келиб, газетанинг адади... 456 донага тушиб қолган, тахририятнинг молиявий ҳолати танг аҳволда эди. Ишга қаттиқ киришган Каримқул ака газета ададини 3 минг 200 нусхага етказишга, тахририят хоналарини таъмирлатиб, янги мебель, компьютер техникалари ва ҳатто, хизмат автомабили сотиб олишга эришди. Тез орада тахририят Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг грантига сазовор бўлди.

Айниқса, 2007 йилда тахририят қошида ташкил этилган "Илҳом" ижодкорлар клуби кўплаб иқтидорларни кашф этишда том маънодаги мактаб бўлди. Клуб аъзолари вилоят ва туманнинг фахрий журналист ва ёзувчиларидан маҳорат дарслари олиб, яхши натижаларга эришдилар. Ҳозирга қадар клуб аъзоларининг "Сир бўйи илҳомлари" деб номланган 8 та тўплами, ўнлаб мустақил китоблари чоп этилди. Шунингдек, клуб аъзоларидан икки нафари адабиёт йўнали-

ши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишди.

Каримқул аканинг ўзи ҳам ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш ва уларда касб кўникмасини шакллантиришда доимо жонқуярлик қилди. Тахририятда Орзимурод Ҳамраев, Ашуралли Ҳамзаев, Гулнора Каримова, Исмадиёр Маматқулов каби ўнлаб шоғирдларга устозлик қилди.

Дарвоқе, маҳоратли журналист К. Мавлонов 2013-2016 йилларда вилоятнинг бош наشري "Тошкент ҳақиқати" тахририятида жамоатчи мухбир бўлиб ишлаб, ижтимоий-иқтисодий мазмундаги мақолалари билан газетанинг сермазмун чиқишига ҳисса қўшган.

Устоз нафақага чиққандан кейин ҳам ижоддан тўхтамай, бир қатор китоблар чоп эттирди. Қадрдон газетаси билан яқин алоқада бўлиб, турли мавзудаги мақолалари билан қатнашиб келмоқда. Эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган устоз бугунги кунда беш нафар фарзанди, 15 нафар набиралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Шу кунларда 70 ёшини қаршилаётган Карим Мавлонни шоғирдлари номидан самимий кутлаб, устозга мустақкам соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаймиз!

Юсуф ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

СПОРТ янгиликлари

БЎКА ЁШЛАРИ ЧЕМПИОНЛИК ОСТОНАСИДА!

Мини футбол бўйича ўтган йилги "ДХХ кубоги" мусобақаларининг республика босқичида ғолиб бўлган Бўка тумани жамоаси бу йил кубокка эга чиқишга жуда яқин турибди.



Андижон, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона вилоятлари ёшлари билан майдонга тушиб, уч ғалаба, икки дуранг қайд этган "Янги ҳаёт" маҳалласи йигитлари бугун финалда Қашқадарё вилояти жамоаси билан баҳсга киришади.

Йигитларимизга бу галги ҳал қилувчи ўйинда ҳам омад тилаймиз.

ҲАМЮРТИМИЗ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИ КОМИССИЯСИГА НОМЗОД

Осиё Олимпия кенгаши Атлетлар комиссияси аъзоллигига номзодлар рўйхатини эълон қилди. Унда ҳамюртимиз, эркин кураш бўйича "Токио-2020" Олимпия ўйинлари совриндори Бекзод Абдурахмонов ҳам бор.



Маҳоратли спортчимизнинг номзоди Марказий Осиё минтақасидан илгари сурилган бўлиб, рўйхатда 3 нафардан эркак ва аёл спортчилар кўрсатиб ўтилган.

Номзодларга овоз бериш жараёни бир ойдан кейин Хитойда бошланадиган "Ханчжоу-2022" Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросимидан бир кун кейин бошланиб, натижаси мусобақалар якуни арафасида эълон қилинади.

ТАХМИНА ПАРИЖГА БОРАДИ

Испаниянинг Валенсия шаҳрида ўтаётган бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзоси муносиб натижага эришди.



Ҳамюртимиз Тахмина Икромова Ўзбекистон делегацияси учун "Париж-2024" ёзги Олимпия ўйинларининг илк йўлланмасини қўлга киритди. У кўпкураш дастурида 4 машқ якунидан сўнг 124.2 балл билан 9-ўринни эгаллади. Икромова бу билан "Париж-2024" Олимпиадасига йўлланма беришчи 14 талиқдан жой олди.

Шунингдек, спортчимиз бўлача ва тасмадаги машқда финал босқичига йўл олди.

Ажаб савдолар

Аср ўғирлиги

Ҳаммаси 1911 йил 20 август куни содир бўлган. Ўшанда яқшанба эди. Перужа ва унинг икки шериги хавфсизлигининг заифлигидан фойдаланиб, "Лувр"даги сақлаш шкафига яширинишган. Эртаси куни эрталаб



улар бебаҳо асарни матога чиқиб кетишган.


Энг ҳайратланарлиси, асар йўқолганини 24 соатдан кейин пайқашган. Ўшанда "Мона Лиза"нинг нусхасини чизмокча бўлган рассом деворда сураёт ўрни бўш турганини кўрган.

Полиция одамларни сўроқ қилишни бошлаган ва "Лувр"ни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган. Омавий аҳборот воситалари эса бу воқеа ҳақида бонг урган. Музей қайта очилганда, бўш қолган девор илгакларини кўриш учун оломон ёпирилиб кела бошлаган.

Перужа эса барчаси тинчишни нақд икки йил кутган. Аммо бутун бошли "Мона Лиза"ни ўғирлашни уудалаган одам кичик хатоси туфайли қўлга тушган. У 1913 йилда суратни Италияга қайтариш мақсади борлиги ҳақида сураффуруш Алфредо Герига хабар берган. Перужа 11 декабрда хибсга олинган.

Ўрни қамқоқда кўп ўтирмаган. Уни 7 ойдан кейин қўйиб юборишган. Сурат ҳам ўз ўрнига қайтарилган. Аммо ушбу "аср ўғирлиги" суратнинг шухратини жуда ошириб юборди.

К. САЛОМОВА тайёрлади



Вақт секин ўтувчи орол

Вақтни секинлаштириш ёки буткул тўхтатиб қўйиш саҳналари акс этган фильмларни қизиқиб томоша қиламиз. Энди бундай фантастик воқеалар ҳақиқатга айланиши мумкин. Атлантика океанидаги Тенерифе оролида ҳайратланарли табиий ҳодиса – вақтнинг секинлашишига олиб келадиган гравитация эффекти топилди. Бу ҳақда "Potok Media" наشري хабар берди.

Бош тадқиқотчи ушбу ҳодиса орол аҳолисига ижобий таъсир кўрсатишини, бунинг натижасида улар узоқ умр кўришларини қўшимча қилди. Маълумотлар-

га кўра, Тенерифеда умр кўриш давомийлиги 15 йилга ошган ва усишда давом этмоқда.

Бу аномалия вақт тезлигига ҳам, ҳақиқатни идрок этишга ҳам таъсир қилади. Ҳамма нарсаси имкон қадар секин содир бўлади.

Олимплар бу кашфиёт гравитацион тўлқин бўйича кейинги тадқиқотлар учун муҳим, деб ишонмоқда. Улар ҳозирда тортишиш кучининг инсон ҳаётига таъсирини тушуниш учун ушбу ҳодисани ўрганишмоқда.

Тарихда кўнгилсиз ҳодисаларнинг якуни хайрли бўлганига оид мисоллар кўп. "Мона Лиза" воқеаси ҳам улардан бирига айланган. Леонардо да Винчининг бутун дунёга машҳур асари "Мона Лиза" ўғирланганидан сўнг машҳурликка эришган.

Маълумот учун, "Мона Лиза" номи билан машҳур бўлган "La Gioconda" сурати итальян мусаввири Леонардо да Винчи томонидан тахминан 1503 йилда чизилган. Сурат Жоконда исмли хонимнинг портрети экани тахмин қилинади.

Суратни "Лувр"да ишлаган Винченцо Перужа исмли ходим ўғирлаган. Бу иш у учун қийинчилик туғдирмаган. Сабаби Винченцо музейда XVI аср дурдоналари учун ҳимоя корпусини яратилган ёрдам берган.

ҲУКМДОРНИ МОТ ҚИЛГАН ОЛИМ

Чингизхоннинг невараси Хулагу Боғдодни босиб олиб, шаҳардаги барча бойликларни тортиб олади. Баъзи манбаларга кўра, 200 минг бошқасида 400 минг киши қатл этилади. Қадимий масжидлар, саройлар, кутубхоналар ер билан яксон қилинади...

Бу золим ҳукмдор шаҳар ташқарисидан қароргоҳида туриб, минтақанинг энг машҳур олим билан кўришиш ниятини билдиради. Албатта, қонхўр Хулагу қаршисига чиқишга ҳеч кимнинг жасорати етмайди. Ниҳоят, бир мадрасадаги Қозихон исмли олим Хулагу билан учрашшга розилик билдиради. Кетаётганда ёнида бир туя, бир эчки ва битта ҳўроз олиб боради.

Хулагу ёш олимни кўриб: – Излаб-излаб сени топишдим, – дейди.

Шунда ёш олим: – Жуссали билан кўришмоқчи бўлсанг, ташқарида битта туя бор. Соқолли билан кўришмоқчи бўлсанг, ташқарида битта эчки бор. Овози қалини билан кўришмоқчи бўлсанг, ташқарида битта ҳўроз бор. Истаганинг-

ни қақиртириб, кўришининг мумкин, – дейди.

Хулагу бу ёш олимнинг ақли эканини билиб:

– Айтчи, мен бу ерларга нима сабабдан келдим? Нега халқнинг бошига бу балопар ёғилди? – деб сўрабди.

Ёш олим шундай жавоб берибди:

– Сени устимизга бизнинг амалларимиз олиб келган. Аллоҳ бизга берган неъматларнинг қиймати билмадик, шўқрини қилмадик, мол-дунё, кўнгли-хушлик, мансаб-мартаба ортидан чопдик. Аллоҳ ҳам берган неъматларини қайтариб олиш мақсадида, сени тепамизга бало қилиб жўнатди.

Бу жавобдан ҳайратланган Хулагу:

– Хўп, энди мени устингиздан ким чиқариб юбора олади? – деб сўрайди.

Олим ҳеч иккиланмай: – Қачонки, ўзимизга, ўзлигимизга қайтсак, бир-биримиз билан овора бўлишдан воз кечсак, солиҳ амаллар қилсакки, сендек золим тепамизда бир сония ҳам туролмайди, – дебди.

Абдуллоҳ РАҲИМБОВ таржимаси

"Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!.."

Москвадан Нью Йоркка учиб келдим. Паспорт назоратидан ўтдим. Меҳмонхонага бордим ва паспортим йўқлигини сезиб қолдим. Уни ё ўғирлаган ёки мени уни тушириб қўйдим. Шуниси аниқ эдик, паспорт йўқолди.

Эртаси куни эрталаб ролпа-роса тўққизда Нью-Йорк шаҳар паспорт марказига кўнғироқ қилдим. Ҳар қанча ҳаракат қилмай, ёзиб олинган овоз менга нима қилишим кераклигини тушунтириб беролмади ва бордим. Марказ оролининг пастки қисмида жойлашган бўлиб, кириш эшиги олдида икки қуролланган қоровул турибди. Ёнига бордим ва гап бошладим:

– Паспортимни йўқотдим.

Улардан бири мени тўхтади ва:

– Тўғрига, йўлак бўйлаб чапга, оқ дарча, – деди. Бордим, у ерда афро-

америкалик ўтирибди.

– Паспортимни йўқотдим, – деб гап бошлагандим, у ҳам мени бўлди:

– Ўнгдаги деворда турган оқ телефон...

Ростданам деворда шаффоф пластмасса қопламали йўриқнома билан оқ телефон турарди. Йўриқнома шундай деб бошланарди:

1. Ёшакни кўтаринг.

2. Гудокни эшитишингиз билан "1"ни босинг.

3. "Гапиринг" деган овоздан кейин нима гаплигини аниқ тушунтиринг...

Шундай қилдим ва фалон қўтарилишимни ҳақда тартиб рақамим ва қабул вақтимни аниқлаб олдим. Соат 9:30 эди, учрашув 11:00 га белгиланган. Кофе ичдим, газета ўқидим ва 11 га беш минут қолганда келдим. Рақамимни айтсам, қоровул мени ўтказиб юборди. Ўзинчи қаватга чиқдим, катта залга кирдим, ҳали ўтиришга улгурмасидан: – Владимир Познер, учинчи рақамли дарчага, – деган овозини эшитдим. Бордим. Мени 50 ёшлардаги эркак кутарди. Негадир уни юзидан Чеховга ўхшатдим.

– Салом, яхшимисиз?

– Яхшиман.

– Нима бўлди?

– Паспортимни ё йўқотдим ёки ўғирлашди.

– Ҳа ёмон бўлибди. Манави бланкани тўлдиринг.

Тўлдирдим ва бланкани "Чехов"га қайтардим.

– Хў-ўш, сиз АҚШнинг натурация қилинган фуқаросимисиз?

Бош силқидим.

– Бу ишни салгина қийинлаштиради. Фуқаролигингизни тасдиқловчи ҳужжат борми?

– Бор, аммо Москвада, ўзим билан олиб юрмайман.

– Бекор қиласиз. Ҳеч бўлмаса нусхаси бўлиши керак.

– Москвага кўнғироқ қиламан ва меҳмонхонага нусхасини факс орқали юборишади.

– Жуда яхши бўларди, кутаман, – деди "Чехов".

Шу ернинг ўзидан кўнғироқ қилдим, меҳмонхонага бордим, факсни олдим ва Паспорт марказига келдим. Бир яримда 3-рақамли дарчага бордим ва ҳужжат нусхасини бердим. "Чехов" менга қаради ва бошини силқиди:

– Сэр, афсусданам, бироқ менга бу ҳужжатнинг оригинали кераклиги айтилди...

– Лекин оригинали Москвада. Паспортим бўлмаса, у ёққа боролмайман-ку!

– Кераги ҳам йўқ, асабийлашманг. Вашингтонда иккинчи нусха оригинали бор, юборишади. Бироқ бу иш сизга 90 долларга тушади.

Паспортни олиш учун қанча бўлса, тўлашга тайёр эдим.

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!

– Сэр, Сиз бунинг учун солиқ тўлаясиз!



“Энг улуг, энг азиз” танлови: МУНОСИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Маросимда сўз олганлар мазкур танловнинг аҳамияти, шунингдек, сўнгги йилларда республикада амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда журналист ва ижодкорларнинг хиссасига тўхталиб ўтдилар.

“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шiori остида ўтган танловнинг вилоят босқичида ҳакамлар хайъати томонидан 80 нафар иштирокчининг 500 га яқин ижодий ишлари кўриб чиқилиб, муносиблари танлаб олинди.

Хусусан, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари йўналишида “Машъал” газетаси бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мазмур Бозор Али “Юрт соғинчи” насрий китоби учун 1-ўринга, таниқли ижодкорлар Карим Мавлон “Ётишда етганларим” китоби учун 2-ўрин ва Қудрат Одинаев “Ку-

(Давоми.
Бошлиниши 1-саҳифада)



рамага қор тушди” китоби учун 3-ўринга муносиб кўрилди.

Шунингдек, босма ОАВ йўналишида Зангиота тумани “Истиқбол” газетаси бош муҳаррири Дилбар Шарипова 1-, “Олмалик ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Дилфуза Рўзиева 2-ўринга лойиқ кўрилди. 3-ўрин эса икки журналист – “Ишонч” газе-

махсус муҳбири Дилдора Хайиталиева голиб бўлди. “ОКМК ТВ” телеканали муҳбири Заҳриддин Маҳмудалиев 2-, “Нурфшон” телеканали бошловчиси Ирода Нортोजиева 3-ўринни эгаллади.

Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари йўналишида дизайн мутахассислари – Умар Зокиров 1-, Абдутолиб Фузаилов 2-, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари фотомуҳбири Жалолиддин Эсонов 3-ўринга сазовор бўлди.

Голиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Кечада таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Тантанали маросимда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Жамшид Бобожонов иштирок этди.

Отабек ИСРОИЛОВ

Нега шундай деймиз?

Кутилмаган меҳмон – мезбоннинг иззати

Меҳмондўстлик – энг яхши инсоний фазилатлардан бири. Халқимиз ўзининг олижаноб меҳмондўстлиги билан қадимдан ном чиқарган. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган одатга биноан, қақирилган, атайлаб қутилаётган меҳмонни ҳам, қутилмаган, тасодифан келиб қолган меҳмонни ҳам иззат-эҳтиром билан кутиб оламиз, ҳурматини жойига қўямиз.

Мазкур мақол билан: “Меҳмон қақирмаган, қутмаган бўлсанг ҳам келибдимми – демак, сени иззат қилибди, сен ҳам унинг иззатини жойига қўй”, демоқчи бўладилар. Аслини олганда, меҳмон сизнинг ош-нонингизни деб эмас, ўзингизни деб, сизнинг одамоҳунилингизни, яхши қилиқларингизни, хуш феълингизни қўмсаб, суҳбатингиз орзусида соғиниб келади.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
“Ҳикматнома”

Мана гап

Мен муваффақиятга эришиш формуласини билмайман. Бироқ, муваффақиятсизликка учраш формуласини яхши биламан – бу ҳаммага ёқиш истаги.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

– Тишш, қақалоқни ухлатяпман...
Жалолиддин ЭСОНОВ сурат-лавҳаси

Биллур Бисотаан

Олифта танқидчи

“Худо урган” бир танқидчи бўларди. Шунангки “зўр” эдики, ўзбек адабиётида ҳаммага ёққан асар пайдо бўлиши билан чангини чиқариб дўппосларди. Агар маҳаллий матбуотда унинг “фаш қилувчи” мақолаларига жой беришмаса, Москва газеталарида “уриб чиқар”ди. Яна бир одати – ҳазил, ҳажв, юмор деганининг кўчасидан ўтмагани учунми, ерга ётқизиб қўйиб бир ҳафта қитқиласангиз ҳам ўша-йиб тураверар, қулгига тоқати йўқ эди.

Хуллас, кунлардан бирида наҳорги ошга борадиган бўлди. Саид Аҳмад акага мен “шўпирлик” қилдим. Буни қаранг, меҳмонлар шу тартибда ўтириб қолдики, Саид Аҳмад ака билан бояги “зўр” танқидчи бир лагандан ош ейдиган бўлди.

– Менга қаранглр! – деди Саид Аҳмад ака овозини баралла қўйиб. – Ҳеч замонда ит билан мушук бир товоқдан овқат еганини кўрганмисизлар? Кўрмаган бўлсаларинг,

энди кўрасизлар!

Худди шуни кутиб тургандек, ош тортилди. Икковларининг ўртасига лаган келтириб қўйишди. Танқидчи аланг-жалаңг бўлиб қолди: қошиқ йўқ экан.

– Қошиқ борма? – деди танқидчи буйини чўзиб.

– Қошиқни нима қиласан? – деди Саид Аҳмад ака. – Ҳамма кўли билан оляпти, сен ҳам ошалаб еявер-да, ё қўлингни ювмаганмисан?

– Йўқ, – деди танқидчи. –

Қошиқ билан еса “стерилний” бўлади.

– Хой, болам, – деди Саид Аҳмад ака, чой ташиб юрган йигитчага, – мана шу аканга битта қошиқ топиб кел. Чўмич бўлсам майли...

Қошиқ келиб, танқидчи уч-тўрт лўкма егунича Саид Аҳмад ака сабр қилиб турди. Кейин сўради:

– Қалай?

– Зўр! – деди танқидчи гўлдираб.

– Биласанми, – деди Саид Аҳмад ака салмоқлаб. – Сен ош еяётган қошиқ неча кишининг оғзига неча марта кириб-чиққанини билмайман-у, менинг қўлим ўзимдан бошқа ҳеч кимнинг оғзига кирмаган! Олавер, “стерилний”, олавер!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Кўзгудаги ўзимиз

Хизмат сафари билан самолётда учишга тўғри келди. Ёнимга ёши каттароқ бир киши ўтирди. Унинг биз учаётган давлат фуқароси

Шеригим ёрдам сўради. Бажонидил кўмаклашдим. Паспорт маълумотларини тўлдираётганимда исми бошқа эканлигини билиб қолдим. Бир қараб қўйдим. Буни

Исмини яширган ҳамроҳ

эмас, балки ўзбекистонлик эканлиги мени хурсанд қилди. Ҳали хориз давлатига етиб бормасдан Ватандошим билан кетиш завқини туя бошлагандим. Дарров танишиб, суҳбатга киришиб кетдик. Буни қарангки, умумий танишларимиз ҳам чиқди. Икки марта хурсанд бўлдик. Суҳбат орасида исмларимизни билиб олдик.

Самолёт қўниш олдида барча йўловчиларга тўлдиришимиз учун қандайдир жадвал тарқатилди. Мен инглиз тилини билганим учун дарров тўлдирдим.

ўзи ҳам сизди шекли, манзилга боргунда бир оғиз гапирмади. Мен ҳам, албатта.

“Нега бундай қилди”, деган савол орадан ўн беш кунча ўтганига қарамай ҳаёлимдан кетмади.

Кўринишидан ёмон одамга ўхшамасди, бизнес билан шуғулланишини айтди. Хўш, нима бўпти?

Самолётдан чиқишда ҳатто хайрлашмадик ҳам. Мен ҳафса-ла қилмадим, у эса тезроқ тушиш илинжида узоқлашди.

Бу одамнинг мударрасини англай олмадим...

Нурилло АБДУЛЛАЕВ

Янги Ўзбекистон учун!

Изҳор

Боболарим кўксин қалқон
Этмиш азал иймон учун,
Шукр, бизга бокди замон,
Ҳар бир кун – бир имкон учун!
Бу гулшанда қадр ҳам шон
Авал азиз инсон учун!
Бирлашайлик шу фаровон
Ойдан гўзал бўстон учун,
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Бу ўлканинг санъатидан
Бўлғай барча кўнгиллар шод,
Байрамлар ҳам ярашгайди
Гар жонажон чаман обод!
Одамийлик фани бўлиб
Гуллаб борар адабиёт,
Назму наво — гулу бўлбул
Парвоз чоғи бўлғай қанот
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Ал-Беруний, Хоразмийлар
Чизиб кетган кўз-қошимиз,
Улғубеклар ҳатто тунда
Ёқиб қўйган қўшимиз.
Аждодларга таъзимда
Ерга теккунча бошимиз,
Асрларни елкасида
Олиб келар бардошимиз,
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Кўни-қўшни, қардошларга
Очиб қўйдик дарвозамиз,
Чор тарафга кетди “Дўстлик
Юрти” деган овозамиз,
Хўрлик абад шир бизга,
Тинчлик мангу муросамиз,
Шаксиз, олтин қонун эрур
Бу ҳузурбахш андозамиз
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Улғаймоқда закий авлод —
Туркийларнинг донғи бўлғай,
Шу кунларни орзу қилган
Жадидларнинг бонги бўлғай,
Инишалоқ, бу Учинчи
Уйғонилишнинг тонғи бўлғай,
Тафаккур дунёқараш
Тасаввур ҳам янги бўлғай,
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Оврўпою уммон ортин,
Бордир биздан хабарлари,
Ҳайратларга тўлиб-тошмиш
Сайёҳларнинг дафтарлари.
Олқиш билан кутиб олмиш
Бу кун жаҳон минбарлари!
Ёниб яшанг эр-йўллар,
Эй диёрим дилбарлари,
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Ҳар шаҳримда тикланмишдир
Осмонўпар миноралар,
Атрофида боқар ҳайрон
Қалдирғочу ситоралар,
Эл бахтига буюрсин-эй,
Бу муаззам иморатлар,
Бу улғувор бунёдкорлик,
Бу сарбаланд иншоотлар
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Халқ ила армия – бир тан
Бир жон бўлиб яшнар бунда,
Яшнар хавфу хатар билмай
Ҳатто бани башар бунда!
Бир юз ўттиз элу миллат
Аҳил-уноқ яшар бунда,
Адолат байроғин тутиб
Мамлакат бирлашар бунда
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Алломишлар чопар отда,
Давом этар достонлари,
Ватан – шаъну шавкатим деб
Чиқмиш қанча арслонлари,
Олтин медалъ тақмай тушмас
Шоҳсупадан полвонлари,
Кўзлар юксак марраларни
Содиқ марди майдонлари –
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Жон ўзбегим, қон-қардошим,
Келди яйрар замонимиз,
Ушалмоқда ўттиз йиллаб
Ушалмаган армонимиз,
Зинҳор ортга қайтмаёймиш
Қўллар Ўзи Раҳмонимиз.
Буюк мақсад учун катта
Йўлга чиққан қарвонимиз!
Омон бўлинг юртдошларим,
Омон бўлсин Сарбонимиз
Бахтли янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Зоҳиджон ОЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 23:00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-831.

6 077 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6